

**QO‘QON DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI
ILMIY XABARLARI
(2025-yil 2-soni)**



**IJTIMOIY FANLAR
SOCIAL STUDIES**

ҒАРБИЙ ЕВРОПА ТАРИХИДА ИНСОН МУАММОСИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВ МАСАЛАСИ

Эргашев Озодбек Шавкатович-
Андижон давлат техника институти
“Гуманитар фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси
ozodbek.ergashev1980@gmail.com
тел: +99891-479-12-34

Аннотация. Илмий мақолада янги давр Ғарб файласуфларининг инсон табиати ва ижтимоийлашув масалалари оид қарашлари ўрганилган. Хусусан, инсониятнинг ўтмиши ва келажаги тўғрисида турли тарихий қарашлар ёритилган, у билан боғлик муаммоларга турлича ёндашувлар мавжудлиги очиб берилган. Бундан ташқари инсон хаёти, сезгилари, истак-иродаси ва инсоннинг психологик қиёфаси, табиати, қизиқишилари, интилишлари ҳақида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: фалсафа, инсон, янги давр фалсафаси, экзистенсиализм, интуитивизм, персонализм, антропология, инсон моҳияти, тафаккур, ижтимоий муносабатлар, материализм, идеализм,

ПРОБЛЕМА ЧЕЛОВЕКА И ВОПРОС ЕГО СОЦИАЛИЗАЦИИ В ИСТОРИИ ЗАПАДНОЙ ЕВРОПЫ

Аннотация. В научной статье рассматриваются взгляды западных философов Нового времени на природу человека и вопросы социализации. В частности, освещены различные исторические взгляды на прошлое и будущее человечества, раскрыты разнообразные подходы к связанным с этим проблемам. Кроме того, представлены размышления о жизни человека, его чувствах, желаниях и воле, а также о психологическом облике человека, его природе, интересах и устремлениях.

Ключевые слова: философия, человек, философия Нового времени, экзистенциализм, интуитивизм, персонализм, антропология, сущность человека, мышление, социальные отношения, материализм, идеализм.

THE HUMAN PROBLEM IN WESTERN EUROPEAN HISTORY AND THE ISSUE OF ITS SOCIALIZATION

Annotation. The scientific article examines the views of Western philosophers of the new era on the issues of human nature and socialization. In particular, various historical views on

the past and future of humanity are highlighted, and the existence of different approaches to related problems is revealed. In addition, thoughts are given about human life, feelings, will, and the psychological image, nature, interests, and aspirations of a person.

Keywords: philosophy, human, philosophy of the new era, existentialism, intuitionism, personalism, anthropology, human essence, thinking, social relations, materialism, idealism.

КИРИШ

Бутун дунё файласуфлари ўз тадқиқотларида қўйидаги саволларга жавоб излаганлар: Инсон ҳаётининг маъно ва мақсадини нима белгилайди? Дунёда инсоннинг ўрни қандай? Инсонлар дунёни идрок эта оладими? Фалсафа инсонни қайси жиҳатдан ўрганади? Турли даврларда яшаган мутафаккирлар бу масалалар бўйича турли фикрлар билдирган ва кўплаб асарлар ёзган. Замонавий давр фалсафаси инсоннинг ижтимоий муносабатлардаги иштироки ва билиш субъекти сифатидаги ёндашувларда ўз ифодасини топади.

Масалан, Декарт инсоннинг моҳиятини тафаккур ва мавжудликка нисбатан оқилона шубҳаларда кўрган. XVIII аср француз материалистлари - Гассенди, Дидро, Голбах, Гелветсий, Ламетри ва бошқалар табиатшунослик ва механиканинг ажойиб ютуқлари таъсирида инсон руҳини онг ва ақл билан, танасини эса машина билан тенглаштириб, уни механик тарзда талқин қилганлар.[1.57]

Инсоннинг ижтимоий борлиғи билан боғлиқ бу серқирра муаммо барча даврларда, айниқса ижтимоий фалсафанинг асосий мавзуларидан бири бўлган. Бу масала барча фалсафий мактаблар, олимлар ва йўналишлар вакилларида, чунончи, унинг дастлабки умумий асосларини англаб етмоқчи бўлганларда ҳам, юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг хусусий жиҳатлари ва ранг-баранглигини тушунишга ҳаракат қилганларда ҳам, катта қизиқиш уйғотган. Инсон ижтимоий ва табиий борлигининг моҳиятини, хусусан унинг бетакрорлигини ва инсон ҳаётининг ўзига хослигини ўрганиш, бугунги кунда ҳам инсон фалсафасининг асл мазмун-моҳиятини ифодаловчи сифатларини намоён этади. Бу муаммолар бугун ҳам барча авлод файласуфларини қизиқтиради. [2.15]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Инсон шахсининг мустақиллиги ва эркинлиги масаласи кўп жиҳатдан муаммоли бўлиб қолди. Инсон борлигининг бундай муаммолилиги нафақат унинг ижтимоий-биологик жараён сифатида, балки илоҳий моҳият эгаси эканлигидан ҳам далолат беради. Бошқача айтганда, инсон бунёдкор ва айни вақтда маданият маҳсули, шунингдек, дунёвий ва диний маънавият манбаи ҳамdir.

Яна бир муҳим жиҳат. Жамият ҳаётида дунёвий ва диний омиллар ўртасидаги соғлом мувозанатни тўлиқ таъминлашга ёрдам берадиган, кучли тарбиявий салоҳиятга эга бўлган, халқимиз маънавиятининг асрлар давомида хизмат қилиб келган умуминсоний ва миллий қадриятлар, азалий анъана ва урф-одатларнинг қадрсизланишига, деидеологизатсияга йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда. Дунёқарashi кенг,

маънан баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиласиган ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда. [3.105]

Фалсафий антропология тарафдорлари инсоннинг мазкур талқинидан келиб чиқиб, бу фан изчил илмий қарашларни илгари суришга даъвогар бўла олмаслигини ва айрим фанлар: психология, социология, биология ва ижтимоий фанларнинг турли ёндашувлари ва хулосаларини синтезловчи инсон ҳақидаги билимлар тизимини яратишга қаратилиши лозимлигини қайд этмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу фан ўз предмети сифатида инсон борлиғини белгилайди. Унинг моҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиб, шу тариқа инсоннинг ўзини ҳам, уни қуршаган дунёни ҳам, фалсафий нуқтаи назардан англаб етишга ҳаракат қиласиди. Бир сўз билан айтганда, инсон борлиғи фалсафий таълимотларсиз мавжуд бўла олмайди. Антропология ёки аниқроқ айтганда – антропологик онг нафақат онтология ва космологияга балки, гносеология ва билиш фалсафасига, ҳар қандай фалсафа ва ҳар қандай билишга замин яратади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Буюк немис файласуфи И.Кант (1724-1804) инсонни талқин қилишда муҳим қадам қўйди. У инсонни ноёб ва тенгсиз мавжудот деб ҳисоблаб, улар ҳақида алоҳида фалсафий тадқиқотлар ўтказиш мумкинлигини таъкидлаган. Шу билан бирга, у “Инсон дунёдаги тадқиқ қилиниши мумкин бўлган энг муҳим мавзудир, чунки у ўзи учун олий мақсаддир” деган. Кантнинг борлиқ ҳақидаги қарашларида жонсиз табиат, жонли табиат ва инсон табиати алоҳида ўрганиш объектларига айланди.

Унинг фикрича, бу даражаларнинг ҳар бирида табиат ўз қонунларига эга: жонсиз табиат механика қонунларига бўйсунади, тирик табиат эса мақсадга мувофиқликка бўйсунади. Инсон табиати эса ўзининг эркинлиги билан ажралиб туради. [4.102]

Л.Фейербах (1804-1872) инсонларни тарихий ва маънавий тараққиёт маҳсули сифатида эмас, балки биологик, ҳиссий-жисмоний мавжудотлар сифатида кўриб, уларга табиий-биологик мавжудотлар сифатида ёндашган.

Инсон муаммосига оид тарихий қарашлар шуни кўрсатди, XX аср бошларига келиб, фалсафада янги билим соҳаси - инсон ҳақидаги таълимот, яъни фалсафий антропология вужудга келиши учун барча шарт-шароитлар юзага келган эди.

Девид Хартли 1705-йилда Англияда черков рухонийси оиласида туғилган. Унинг асосий асари - кўп йиллик тадқиқотлар маҳсули бўлган "Инсон, унинг тузилиши, бурчи ва кутишлари ҳақида кузатишлар" деб номланган. Бу асар 1749-йилда нашр этилган ва унинг XVIII асрнинг машхур шахсига айланишида муҳим роль ўйнаган. Ушбу асарда инсон психологиясини ўрганиш жараёнлари босқичма-босқич таҳлил қилинган. Хаёл ва тафаккур ўртасидаги психологик боғлиқликни ўрганиш асосида онг ва хулқ-автор қонуниятларини очиб берувчи мукаммал назария яратиш устида ишлаган. [5.41]

Бу унинг психофизиологик тадқиқотлари, сезгиларнинг тебранма табиати ҳақидаги таълимотининг асосини ташкил этади. Тиббиётни яхши билган ва ўз даврининг анатомик ҳамда физиологик қарашларига таянган Хартли, инсон сезгилари ва "сезги аъзоларининг

такомиллашуви натижасида ғояларнинг пайдо бўлиши" сабаблари билан боғлиқ янги таълимотга асос солди. Бу инсоний ҳолатни ўрганишда Хартли Ньютон таълимотида илгари сурилган ғояга таянди, яъни сезги ёруғлик нурларининг таъсири натижасида кўзнинг тўр пардасида ҳосил бўладиган тебраниш маҳсулидир.

Хартлининг фикрича, тебранишлар кўрув нервининг қаттиқ толалари орқали мияга ўтади ва кўриш идрокини қўзғатади. Нафақат моддий, балки сезги аъзоларига таъсир қиласидиган ҳиссий нарсалар ҳам аввал асабларда, сўнгра мияда сон-саноқсиз мия зарраларининг тебранишларини келтириб чиқаради. Булар эмоционал ҳолатлар, яъни ҳиссиёт ва тафаккурнинг физиологик асосларидир. Маълум бир жараённинг табиати бундай тебранишларнинг фарқига боғлиқ бўлиб, уларнинг ўрни, тури ёки жойи ва йўналишига қараб ўзгаради. [6.17]

Жюльен Офре де Ламетри 1709-йилда Франсиянинг Сен-Мало шаҳрида туғилган. У Париж университетининг тиббиёт факультетини тамомлаган.

Файласуф ва табиатшунос олим сифатида у бир қанча асарлар ёзган. Унинг "Рухнинг табиий тарихи" (1745), "Инсон - машина" (1747) ва "Инсон - ўсимлик" (1748) асарлари инсон билан боғлиқ муаммоларни қамраб олган бўлиб, ўз даврида катта илмий мунозараларга сабаб бўлган.

Ламетрининг фалсафий қарашлари Декартнинг ҳайвонлар ҳис-туйғудан маҳрум, деган фикрига зид эди. У барча тирик мавжудотлар бир хил сезиш қобилиятига эга эканлигини таъкидлаган. Бу ғоя нафақат инсонларга, балки барча жонзотларга тегишли эди. Унинг қарашлари "Инсон - машина" асарида ёрқин ифодаланган. [7.145]

Ҳис-туйғу барча тирик организмларга хос деган ғояни илгари сурган Ламетри, инсоннинг ҳайвонот дунёсидан келиб чиққанлиги ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб таклиф қилган файласуфлардан бири эди. "Инсон - машина" асарида муаллиф инсон тузилиши ва фаолиятига ўзига хос тарзда ёндашади. Ламетрининг фикрича, инсон механик тузилмалардан бирмунча фарқ қиласиди. У инсонни машинанинг бир тури, ҳис килиш, фикрлаш ва тушуниш қобилиятига эга бўлган мавжудот деб ҳисоблайди. Унингча, инсоннинг энг муҳим жиҳати яхшилик билан ёмонликни фарқлай олиш қобилиядир. Яъни, инсон рух билан боғлиқ ғояларни идрок этиш қобилиятига эга. [8.60]

Инсон танаси ўз-ўзидан ҳаракатланувчи машина бўлиб, у технологиядан фарқли ўлароқ, узлуксиз ҳаракатнинг жонли тимсоли ҳисобланади. Инсон соат механизми каби ҳаракатланмайди, аксинча, қонни озиқлантирадиган суюқлик мавжуд. Ламетри бу суюқликни "хилас" деб атайди. Бошқача айтганда, бу Ламетри концепциясида ҳаракатнинг кучайиши ва натижада "хилас"нинг фаоллиги билан баҳоланади. Ламетри бу суюқликни "хилас" деб атайди. Ламетри инсон танасини соатга ўхшатса-да, инсон танасининг бузилиши ёки касаллигини механик носозлик сифатида эмас, балки қон фаолиятининг, яъни инсон хулқ-атворининг бузилиши сифатида баҳолайди.

Дени Дидро (1713-1784) энциклопедистларнинг етакчиси эди. У Лангрес шаҳрида ўзига тўқ ҳунармандлар оиласида туғилган. Маҳаллий иезуит коллежида дастлабки маълумот олгач, Парижга кўчиб ўтган. Феодал тузумга қарши чиққан Дидро зодагонлар ва руҳонийларнинг имтиёзли табақаларига қарши халқ ҳаракатига бошчилик қилган. У янги тузумни қўллаб-қувватлаган ва қирол ҳокимиятига қарши чиққан. Дидро "Табиат талқини ҳақида фикрлар", "Скептикнинг сайри ёки хиёбони," "Роҳиба," "Рамонинг жияни," "Физиология элементлари," "Сенека ҳаёти," "Клавдий ва Нерон ҳукмронлиги даври ҳақида очерк" каби асарлар муаллифи. Унинг "Фалсафий фикрлар" (1746) асари нашр этилган йилиёқ парламент қарори билан ёқиб юборилган. Дидро табиат ва инсон муаммоларига бир неча бор мурожаат қилган ва инсон ҳамда унинг тафаккур қудрати фаннинг барча даврлари ва соҳаларида энг муҳим обьект эканлигини тинимсиз таъкидлаган. Гарчи Дидро ўзининг фалсафий таълимотида "биз ҳали кўп нарсани билмаймиз" деган иборани тез-тез такрорлаган бўлса-да, у инсон билими ривожланиши билан дунёни ва мавжудлигимиз сабабларини тушунишимиз ортишини тушунтирган. [9.138]

Людвиг Андреас Фейербах (1804-1872) Германиянинг Бавария вилоятидаги Ландшут шаҳрида машҳур хукуқшунос Ансельм Фейербахнинг ўғли сифатида туғилган. У ўз фалсафасида факат инсониятга оид ғояларни илгари сурган. У инсонни табиат билан бевосита боғлиқ ҳолда таҳлил қилган. Унинг фикрича, фалсафанинг предмети инсон бўлиши керак. Файласуф ҳақиқий фалсафа антропология эканлигини таъкидлайди.

Фейербах фикрича, динни тушуниш калити инсон қўлида, яъни инсон У инсонни табиат билан бевосита боғлиқ ҳолда таҳлил қилган. табиатининг, манфаатлари ва интилишларининг моҳиятида яширинган. [10.230]

ХУЛОСА

Гарбий эвропада инсон муаммоси шундай бир ғоявий ҳаракатга айланди, унинг доирасида олимлар инсоннинг ҳозирги ҳолатини назарий жиҳатдан англаб этиш, талқин этиш ва унинг табиатига нисбатан янгича қарашларни ва ғояларни илгари суришга ҳаракат қилдилар. Фан-техника тараққиётининг устуворлиги ва инсоннинг яратилаётган ҳар қандай ижод маҳсули олдидаги масъулияти ортиб борган даврлардан бошлаб, фалсафий антропологияга эътибор ортиб борди.

Юқорида келтирилган қарашлар инсон табиатининг мавзуси ниҳоятда кўп қиррали эканлигини ва у билан боғлиқ муаммоларга турли хил ёндашувлар мавжудлигини яққол кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, нафақат бугунги кунда, балки келажакда ҳам инсон билан боғлиқ масалалар фалсафанинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолишини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Гуревич П.С. Человек. -М.: 1995.

2. Критский М.Ж. Человеческий капитал – Л.: Изд-во. Ленинград. Университет 1991 г, 17- стр.
3. Шермуҳамедова Н. Фалсафа.– Т.: Ношир, 2012.
4. Туйчиева Б.Т. Основы социальной философии: Учебное пособие. – Т.: Университет, 2009 г
5. Ozodbek E. PHILOSOPHICAL FACTORS OF INCREASING SOCIAL AND ECONOMIC ACTIVITY IN SOCIETY //TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMY JURNALI. – 2023. – T. 3. – №. 11. – S. 40-43.
6. Shavkatovich E. O. Human Existence and its Oriental Essence //American Journal of Science on Integration and Human Development (2993-2750). – 2023. – T. 1. – №. 10. – S. 15-18.
7. Baxtiyorovna Y.B. FORMATION OF INDEPENDENT THINKING AMONG YOUNG PEOPLE–TODAY IS THE MOST RELEVANT DAY IN PEDAGOGY AS A FUNCTION //Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies. – 2023. – T. 2. – №. 3. – S. 143-148.
8. Bakhtiyorovna Y. B. Independent work of students through the internet pedagogical conditions of organization //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – T. 3. – S. 59-61.
9. Saidovna R.D. A SYSTEMATIC APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS'CREATIVE ABILITIES //Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies. – 2023. – T. 2. – №. 3. – S. 133-142.
10. Saidovna R. D. Professional competence of the educator—the main factor ensuring the quality of education //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – T. 3. – S. 226-231.